

Хорижликларга жўнатилди

Навоий пахта тозалаш заводи ҳиссадорлик жамияти меҳнаткашларининг иши бу йил чакки эмас. Улар ҳозиргача ўтган йил ҳосилидан 4 минг 200 тонна пахта толаси ишлаб чиқардилар. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан минг тонна кўпдир. Қарийб 500 миллион сўмлик маҳсулот эса хорижга, яъни Жанубий Корея, Италия, Буюк Британия, Швейцария, Бельгия, Франция, Сингапур, Россия сингари мамлакатларга экспорт қилинди.

Умматали ТЎРАХОНОВ

Телемарафонда қатнашинг

Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси «Буюк келажак — 2000» телемарофонини ўтказишга қарор қилди. Бу тадбирдан мақсад мамлакатимиз ўқув юртларини замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш ва ўз қадриятларимиздан бири бўлган саховатпешаликни тарғиб этишдир.

Жамғарма раиси Дадахон Ёқубовнинг айтишича, ҳозир телемарофон чипталари чиқарилган. Ютуқлар тиражи эса 2000 йил 15 майда Тошкент шаҳрида ўтказилади. Унга тўрт юз миллион сўмлик ютуқ қўйилган. Телемарофонда фаол қатнашган омадлиларнинг чипталарига 2 минг сўмдан 50 миллион сўмгача бўлган ютуқлар чиқиши мумкин.

Дарвоқе, «Буюк келажак — 2000» телемарофони ҳар шанба куни телевидениенинг биринчи дастури орқали намойиш этиб борилади.

Жўшқин ТОШБЕКОВ

Отлар кимошди савдосида

Қорабайир зотли йилқилар чопқирлиги, табиат синовларига чидамлилиги, инсонга вафодорлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ана шундай наслли йилқиларнинг 420 таси бугунги кунда Жиззах туманидаги «Равот» ижара ширкатлар бирлашмасида парвариш қилинмоқда.

— Бу йил 100 бош отни кимошди савдосида сотамиз, — дейди хўжалик раҳбари Муртазо Акбаров. — Фақат шу тадбирни амалга ошириш хўжалигимиз иқтисодига 10 миллион сўм соф фойда беради. Кимошди савдосига қўйиладиган тойларга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Фақатгина бу эмас. Йилқичилар ҳарбий қисмларда миниладиган от етказиб бериш, мактабларда от спортини ривожлантириш, полвон чавандозларнинг етишиб чиқишига ҳам яқиндан ёрдам бермоқдалар. Йилқичилик кони фойда эканлигини ҳис қилган туман раҳбарлари яйловларнинг самарадорлигини ошириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш тадбирларини амалга оширмоқдалар. Бу йил йилқилардан юз бош насл олиш кўзда тутилган.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Етарли маблағ ажратилди

Чироқчи туманида Увада кони заҳираси тугагач, Яккабоғ тумани яқинидаги қувурлардан газ олина бошланди. Аммо, туман қишлоқларининг 50 фоиздан ошиғини газ билан таъминлаш учун «Келеф-Кўкдала» йўналишида қувурлар тортиш талаб қилинар, туман иқтисодиёти катта харажатларни кўтара олмасди. Ўтган йили охирида бу масала ҳал бўлди, етарли маблағ ажратилди ва юқори босимли газ қувурлари тортила бошланди. Қурилишни «Ўзгазқурилиш» 2-акционерлик жамияти бунёдкорлари амалга оширмоқда. Чироқчиликларга қувонч улашаётган бу улкан газ тармоғи улангач, энг чекка қишлоқларгача қувур тортиб бориш имкони яралади.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1999 йил 5 июнь, шанба • № 66 (24.461).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Тасвирий ойина» — маънавият кўзгуси

Андижон вилоятида Ўзбекистон Республикаси «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессияси материаллари ва Президентимиз Ислом Каримовнинг сессияда сўзлаган маърузасида ўртага қўйилган вазифалар асосида «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси фаолиятини такомиллаштириш, унинг вилоят, шаҳар ва туман бўлимларида мамлакатимизда барпо этилаётган ҳуқуқий демократик давлат асосларини мустаҳкамлашда тасвирий тарғибот воситалари орқали ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш борасидаги вазифаларга бағишланган икки кунлик республика илмий-амалий семинар-кенгаши бўлиб ўтди.

Семинар қатнашчилари вилоят ва Андижон шаҳри «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаларининг иш тажрибаси билан танишди. Уюшма вилоят ва шаҳар бўлими Андижондаги Чўлпон номли боғда, «Андижон» теннис корти атрофидаги дам олиш ҳиёбонларида, боғи Бобур тарихий-маданий мажмуасида ва қатор ўқув юртларида тарғибот-ташвиқот марказларини ташкил қилгани қайд этилди. Айни вақтда уюшма фаоллари ташаббуси билан Андижоннинг 16 манзилида катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган, қадриятларимизни улуғлайдиган паннолар ўрнатилган. Вилоятда олиб борилаётган ҳар бир ижодий учрашув, кўргазмаларни ташкил этишда, меҳнат жамоалари тарғибот марказларини жиҳозлаш ва безатишда «Тасвирий ойина» ижодий уюшмасининг хизмати катта бўлмоқда. Улар вилоят телерадиокомпанияси, вилоят шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган бошқа телестудиялар ҳамда чоп этилаётган газеталар жамоалари билан ҳам шартномалар асосида ижодий ҳамкорликни йўлга қўйганлар.

Тадбир қатнашчилари Избоскан тумани «Тасвирий ойина» бўлимида ҳам бўлиб, ижодий жамоанинг тумандаги маънавият ва маърифат маркази филиали ва халқ таълими бўлими, шунингдек, турли ташкилот ва жамғармалар билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларига юқори баҳо берди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари водий вилоятлари «Тасвирий ойина» ижодий уюшмалари бўлимлари томонидан уюштирилган «Энг улуғ, энг азиз», «Аждодлар ёди» тасвирий кўргазмали тарғибот марказларини кўздан кечирдилар. Кенгашда мазкур бўлимлар томонидан қарийб икки йил давомида амалга оширилган ижобий ишлар таҳлил этилди, бу борада йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари Н.Жўраев, А. Зиё, вилоят ҳокими Қ. Обидов сўзга чиқди.

К. НИЗОМОВ,
ЎзА мухбири

Афсонавий шаҳарни кўрдим

— дейди германиялик олима Габриэл Келлер

Яқинда Самарқандга ташриф буюрган германиялик олима, «Халқаро эртакшунослар жамияти»нинг аъзоси Габриэл хоним Келлер Каттақўрғон шаҳрида ҳам бўлди.

— «Ўзбекистонда учинчи марта бўлишим. Бу сафар Ўзбекистон — Германия илмий этнографик экспедиция гуруҳи билан биргаликда келдим. Менинг катта орзуим Шарқнинг афсонавий шаҳри бўлмиш Самарқандни кўриш эди. Шоҳизинда, Бибихоним, Гўри Амир, Регистон каби тарихий обидалар мени ҳайратга солди. Қадимий Самарқанднинг осмонўпар миноралари, нилий гумбазларини кўриб лол қолдим. Бу антиқа асрий обидаларни, менга ҳадя этишган шарқона миллий либосларни кўриб, ўзбек халқининг нақадар бой ўтмиш маданияти борлигини янада теранроқ англаб турибман. Самарқанд ҳақиқатан ҳам афсонавий шаҳардир. Унда тарих мужассам, унда бугун акс этяпти, унда

Эътироф

юрт келажаги намоён».

Немис олимасининг эндиги эзгу нияти Самарқанд вилоятидан ёзиб олган ўзбек халқ эртаклари, терма, лапар, ўланларини илмий тўплам қилиб нашр эттиришдир. Ўзбек халқининг оғзаки ижоди ноёб дурдоналарининг немис тилида чоп этилиши эса юртимизнинг жаҳон наздидаги яна бир юксак эътирофи бўлади.

Шунингдек, Габриэл хоним Каттақўрғон шаҳрининг кўплаб маҳаллаларида, шу жумладан Сўфи Оллоёр маҳалласида шаҳар хотин-қизлар қўмитаси томонидан аёллар йилига бағишлаб уюштирилган «Аёл — жамият гултожи» деб номланган тадбирда ҳам иштирок этди. «Шарқда аёлларга ўзига хос илтифот кўрсатадилар», дейди олима завқ-шавқини яширолмай. Ҳа, файзли ҳар бир ўзбек маҳалласининг ўзига хос ва мос анъаналари хорижликлар эътиборини тортиб келяпти.

Эркатош ШУКУРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Анъанавий анжуман

Кеча Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иброҳим Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида, «Мустақил Ўзбекистон: фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» мавзуида, республика VI анъанавий илмий-назарий конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ялпи мажлисида А. Жалолов, Ҳ. Бобоев, С. Шермуҳамедов, А.Саидов, А.Турсунов, М.Холматова, Қ.Абдурасуловаларнинг маърузалари тингланди.

Анжуманнинг ялпи ва шўъба мажлисларида, мамлакат Президенти И.А.Каримов асарлари асосида, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, диёримизда фуқаролик жамияти ва демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролар маънавиятини юксалтириш, уларнинг ҳуқуқий маданияти ҳамда сиёсий фаоллигини оширишнинг илмий масалаларини ёритишга ҳаракат қилинди, ўтган бир йил давомида эришган тадқиқотлар натижалари билан ўзаро ўртоқлашилди.

Конференциянинг фалсафа ва фанлар методологияси, сиёсатшунослик ва социология муаммолари, фалсафа ва ижтимоий фикр тарихи, давлат ва ҳуқуқ назарияси ҳамда тарихи, фуқаролик ҳуқуқи, жараёни, экология ва қишлоқ хўжалигининг ҳуқуқий муаммолари, жиноят ҳуқуқи жараёни ва криминология муаммоларига бағишланган шўъбалари мажлисларида Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Наманган, Нукус, Қўқон, Самарқанд, Урганч ва бошқа шаҳарлардаги илмий-тадқиқот ҳамда ўқув муассасаларида меҳнат қилаётган мутахассислар ялпи мажлисда эшитилган маърузалар, шўъбалардаги илмий маъруза ҳамда ахборотларни муҳокама этдилар, шунингдек, фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг галдаги вазифалари хусусида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Анжуманда тингланган маъруза ва ахборотлар матнлари, 2 жилдли китоб тарзида, чоп қилинди.

Конференция ишида ЎзРФА вице-президенти вазифасини бажарувчи Б.А. Назаров иштирок этди.

С. ШЕРАЛИЕВ

XXI аср ўзбек ёшлари

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Судланувчи Грецияни айблади

Курд ишчи партияси раҳбари Абдулла Ожалон устидан ўтказилаётган суднинг тўртинчи мажлисида судланувчи Грецияни айблади. Унинг фикрича, «Туркия билан тинчлик ўрнатиши учун» унга шу мамлакат халқит берган эмиш. Анадўли ахборот маҳкамасининг хабар беришича, 1996 йилда Греция раҳбарияти Ожалоннинг ўз партиясига Туркияга тинчлик таклифи билан чиқиш зарурлигини уқтирмоқчи бўлиб қилган ҳаракатларини билгач, уни қўллаб-қувватлашдан маҳрум этган, этган эмиш.

Туркия ғарбидаги Имрал оролида бўлиб ўтаётган Туркия давлат хавфсизлик суди курд ишчилар партияси раҳбарини давлатга хоинлик ва Туркияни парчалаб юборишга даъват қилганликда айбламоқда. Ожалон раҳбарлигидаги партия 15 йилдан буён мустақил курд давлатини ташкил этиш мақсадида турк ҳукуматига қарши қуролли кураш олиб борган.

Сафар қолдирилди

АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт Косово теварагидаги «қалтис вазият» сабабли Мексикага қиладиган сафарини қолдирди. Бу ҳақда РИА «Новости» ахборот маҳкамасига АҚШ Давлат департаменти матбуот хизмати маълум қилди. Олбрайтнинг Мексикага сафари пайшанба куни кечқурун бошланиши лозим эди.

АҚШ ташқи сиёсат идораларидаги манбалардан олинган маълумотларга кўра, Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботт Белграддан Германияга келган Финляндия Президенти Мартти Ахтисаари билан бўлган музокаралари ҳақида Олбрайт хонимга қўнғироқ қилган.

Халқаро суд жараёни бошланади

Бугун Страсбургда Халқаро суд Москва шаҳри мэри Юрий Лужков ва Москва шаҳар Думасининг раиси Владимир Платоновга нисбатан қўйилган айбни кўриб чиқишни бошлайди. Уларга москвалик сайловчиларнинг ҳуқуқларини бузганлик айби қўйилган. Бугун давлат Думасида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мана шу суд жараёнининг даъвогарлари ва ўзларини «москвалик оддий сайловчилар» деб атаётган Владимир Воронин ва Евгений Шименко шундай баёнот бердилар. Уларнинг сўзларига кўра, шу кунларда Страсбургдан факс олинган. Унда шу иш бўйича суд қарори 4 июнда қабул қилинади, дейилган эмиш.

Музокаралар давом этяпти

Югославия теварагидаги тангликни бартараф этиш бўйича музокараларнинг асосий иштирокчилари — Россия Федерацияси Президентининг Югославия бўйича махсус вакили Виктор Черномирдин, Финляндия Президенти Мартти Ахтисаари, шунингдек, АҚШ Давлат котибининг биринчи ўринбосари Строуб Тэлботт яна Хельсинкида ушбу можарони бартараф этиш муаммоларини муҳокама қилиш учун учрашадилар. Югославия Президенти Слободан Милошевич маъмурияти Болқон кризисини бартараф этиш режасини «Югославия қабул қилганини» расмий равишда тасдиқлангандан кейин шундай учрашувни ўтказиш имконияти пайдо бўлди.

Иқрор

Ўзбекистон Республикаси Олий судида шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда мамлакат Президенти ва бошқа давлат раҳбарларини жисмоний йўқ қилиш, конституциявий тузумга қарши қўпорувчилик ва бошқа ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган 22 нафар шахс устидан очиқ суд жараёни давом этмоқда.

Судланувчи Зикиржон Ҳасанов шу йилнинг 16 февраль куни Тошкентда амалга оширилган террорчилик ҳаракатининг иштирокчиларидан бири сифатида айбланмоқда. У шу куни Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати биноси ёнида кучли портлашни таъминлашда иштирок этган.

Зайниддин Асқаров ҳам мустақил мамлакатимиз манфаатига зид ҳаракатларни содир этган. У террорчилик ҳаракати ташкилотчиларининг хориждаги вакили бўлган. Бу шахс чет элда яшаб, мамлакатимизга қарши фаолият кўрсатаётган айрим шахсларни маблағ билан таъминлаб турган.

Судланувчилардан яна бири Баҳром Абдуллаев қалбаки паспорт билан кўплаб хорижий мамлакатларга борган. У ерда республикамизга қарши фаолият кўрсатаётган турли жиноий уюшмаларнинг ташкилотчилари билан учрашган. Ушбу ташкилотларнинг асосий мақсади эса узоқ хориждан туриб мустақил мамлакатимиз, унинг конституциявий тузумига қарши кураш олиб бориш, ниҳоят, юртимизда «ислом республикаси»ни ўрнатишдан иборат бўлган. Б.Абдуллаев ўтган йилнинг 19 октябрида ҳибсга олинган. У суд жараёнида қилган жиноятларига иқрор бўлди.

Бундай ўта оғир жиноятларда айбланаётганларнинг деярли барчаси суд жараёнида ўзлари амалга оширган жиноятларни тан олмоқда.

Суд жараёни давом этмоқда.

(ЎзА)

Юракларда Ватан уйғонди

Огоҳликка даъват

Бугун ўзбек тупроғида огоҳлик шабадаси эпкинлади. Одамлар кўксида уйғонаётган ватан шукуҳи янада теранлашди. Осойишта, тинчгина меҳнат қилишга ўрганган халқимиз дунёда ҳасад, ғараз каби жирканч нарсалар ҳам борлигини, турмушингга, ҳаётингга тажовуз қилишлари мумкинлигини бир қадар унутишган эди. Ахир ўз миллатдошинг, қондошинг ўзингга тиғ ўқталишини кўнгилга сиғдириш ҳам осон кечмайди-да. Она қорнидан ёруғ дунёга келган фариштадек ғўдак бир кун келиб ўз отасига, ўз онасига — кўксида авайлаб, асраб катта қилганларнинг сийнасига ханжар санчишини тасаввур қилиш, кўз олдингга келтириш даҳшат! Оллоҳ: Мен йўлдан адаштирган бандамни йўлга солишга ҳаракат қилманг, мен йўлга солган бандамни йўлдан адаштиришга урунманг. Эплолмайсиз, — дейди табаррук китобда. Ҳа, Оллоҳ бандасини йўлдан адаштирмасин экан.

Ўзимга савол бераман: кунига беш маҳал намоз ўқиган одам умрида бировга яхшилик қилмаса, қўни-қўшнисини, ёр-биродарларини қонқақшатса, у жаннатий бўла оладими? Кунига беш маҳал намоз ўқимаган одам имкон топди дегунча барчага яхшилик қилиб яшаса, қалбида инсонийлик туйғуси атрофга нур сочиб турса, бундай одамни дўзахи деб бўладими? Ўзимча жавоб топгандай бўламан: намоз покиза ўқилиши учун аввало кўнгил покиза бўлмоғи керак. Кўнгилга кин, ҳасад уя қурса имон емирилади. Имон бўлмаган қалбда ҳалоллик бўлмайди. Ҳаром аралашган жойда саждагоҳ нурсизланади. Бундай одамни намозхон дейиш мумкин, аммо Оллоҳ йўлида деб бўлмайди. Баҳоуддин Нақшбанднинг бир гапи бор: ўзинг халқ ичида, кўнглинг ҳаловатда бўлсин. Кўнгилнинг халоват топмоғи учун ёлғиз намоз ўқиш камлик қилади, аввало қалбни ғубордан поклаш лозим. Покланган юракда кин, ҳасад бўлмайди, имон, эътиқод мустаҳкамланади. Ҳалоллик унинг ташвиши. Ҳаром душмани. Бундай одамни намозхон эмас дейиш мумкин, аммо у Оллоҳ йўлидадир Оллоҳ барчасини кўриб, билиб тургувчи, ўз йўлидаги бандасини паноҳида сақлайди.

Февраль воқеалари биз олтин ҳарфлар-ла бошлаган тарихимиз зарварақларидан бирига қора ҳарфларда тушадиган бўлди. Яна ўзини ўзбек атаганлар қабиҳлиги билан. Начора, халқимиз барибир доно-да: шоли курмаксиз бўлмайди, дейди. Ёвузлик билан эзгулик ёнма-ён яшаса ғараздан қутулиб бўларканми?! Лекин, нега тупроғи бир, суви, ҳавоси бир заминда туғилган икки одамнинг бири эзгулик, бири ёвузлик тараф? Тушунмайман. Инсон ўз биродарига тиғ қадай оладиган даражага етиши учун қайси муҳитда тарбия топиши керак? Ахир халқимиз: бўкрини ғўр тузатади, ёки қон билан кирган жон билан чиқади, дейди-ку! Одам палид бўлиши учун унинг қони бўзилган бўлиши шарт. Ҳаёт эканда, яхшини ҳам, ёмонни ҳам кўриб яшаркансан.

Халқимизда ажойиб мақол бор: гилам сотсанг қўшнингга сот, бир четда ўзинг ҳам ўтирасан, деган. Бундан ташқари: қўшнинг тинч, сен тинч, деб ҳам қўйишади. Бу сўзларни ёзишдан мақсад қўшни Тожикистонда бўлаётган воқеалар, унинг уқубатли оқибатлари фақат тожикни эмас, ўзбекни ҳам ғуссага солиши мумкин эканлигини эслашдир. Биз азалдан қондош, жондош халқмиз, гарчи тилимиз бошқа, аммо уруғимиз бир, динимиз, имонимиз бир. Азал-азалдан қуда-анда бўлиб келган элмиз, миллатмиз. Бир шоир ўз шеърида шундай деган эди: «Ичингдаги душманни ўлдир!», ҳа-да, душман ташқарида бўлса чорасини кўриш осон, бироқ ичингда бўлса додингни кимга айтасан?!

Лекин, инсон қисматида шундай битик бор: кимки бу дунёда жабр қилибдими, аввало шу дунёда ажрини олади, сўнгра қиёматда. Фақат ўртада келажаги буюк давлатнинг иқтисоди, турмуш тарзи озгина зиён кўриши мумкин, лекин зиённи тикласа бўлади, дил синиғини тиклаб бўлмайди. Бировнинг дилини оғритиш гуноҳи азим, дейилган юртда гуноҳдан қўрқмайдиганлар борлигининг ўзи дилни оғритади. Ахир, ўзингдан чиққан бало-да. Азизлар биз ўз озодлигимизга эришиб бўлдик, энди асосий мақсадимиз уни асраб қолиш, келажак авлодга етказишдир. Ахир ўйланг, шундай «мардлар» бор экан, нега шўролар даврида қулчиликка қарши тиғ кўтариб чиқмади? Бугун миллат ёруғликка чиққанда нима қилмоқчи, яна қуллик ботқоғига етакламоқчими улар? Ахир, тараққиётга тўғаноқ бўлолмаслигини, оқим ўз йўлида ҳўлу қуруқни баробар оқизиб кетиши муқаррарлигини наҳотки билишмаса?!

Февраль воқеалари гарчи кўнгилга ғубор олиб кирди, лекин юракда Ватанни уйғотиб кетди. Ватанни, унинг бағрида камол топаётган миллатни ва сарбонини асраш лозим эканлигини англатди. Ёвуз кучлар мавжуд эканлигидан огоҳ этди. Ҳа, Ўзбекистон ўз йўлини топди. Озодлик ҳавосидан нафас олди, унинг жонбахшлигини ҳис этди. Энди бу йўлдан бизни ҳеч ким қайтаролмайди. Биз қафас нималигини билган, жабр-ситамини тотган халқмиз. Мустақиллик нашъасини тотаяпмиз. Унинг хуш таровати юракларимизни фахрга буркади. Бундан кечиб бўлмайди. Тожикистон, афғон воқеалари, қонли тўқнашувлар оқибати бизга ибрат бўлмоғи керак. Биз осойишталикнинг қадрига етишимиз шарт! Токи, ҳеч бир инсоннинг бағри ярим бўлмасин, кўзлари аччиқ ёшга тўлмасин! Фарзандлар камолини кўриш, ҳузур-ҳаловатини тотиш барчага насиб этсин!

Юсуф ЖЎРАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Элни билган эл танийди

Мулоҳаза

Мамлакатимиздаги иқтисодий-ижтимоий, маънавий-сиёсий соҳадаги муҳим ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти тузилмалари билан ҳамкорлик доираларини кенгайтирди. Халқаро муносабатлар тизимига уйғунлашув жараёнлари чуқурлашиб, миллий ва умуминсоний тамойиллар билан бойимоқда. Барча йўналишларга миллий маънавият, маданиятнинг кириб бориши ўзбек моделини юзага олиб чиқди. Мамлакатимизни ялпи тараққий эттириш Президентимиз олиб бораётган сиёсатнинг бош мезонидир.

«2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармоннинг қабул қилиниши, устувор йўналишлар сифатида миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, халқаро туризм бозорига қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий, маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиш, сайёҳларга хизмат сифатини ошириш масалалари алоҳида аҳамият касб этади.

Тошкент давлат маданият институтини маданият ва туризм институтига айлантириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг таклифлари олий даражада қабул қилинди. Бу юртбошимизнинг мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда туризмни устувор йўналишга айлантиришдаги саъй-ҳаракатининг амалий натижасидир. Маълумки, юксак тараққиёт ва бой маданий қадриятлар барча даврларда сайёҳлик манбалари сифатида машҳур бўлиб келган. Маданият, маънавиятнинг буюк обидалари, халқ тарихи, асориатиқалари, миллий мероси халқаро жамиятлар доирасида катта қизиқиш уйғотиб келади. Ҳар қандай тараққиёт ўзликни англаш, ўзликни бошқаларга қиёслашдан бошланади. Бугунга келиб сайёҳлик бир киши, бир гуруҳ ёки соҳа монополияси эмас, балки умуммиллий, умумдавлат аҳамиятидаги ижтимоий жараёнга айланди.

Чунки, сайёҳликни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари мамлакат салоҳиятини дунё олдида шакллантиради.

Сайёҳликни инсонларнинг руҳий дунёсига, мақсад ва интилишларига, қизиқишларига яқинлаштириш, инсоний муносабатларни сайёҳлик соҳасига йўналтириш асосида ривожлантириш;

мамлакатимизга кўпроқ туристларни жалб этиш, кишилараро борди-келди алоқаларини фаоллаштириш, манзилли сайёҳликни ривожлантириш;

соҳалараро мулоқотлар тизимини сайёҳликка йўналтириш. Турли уюшмалар, жамғармалар, вазирликларнинг хориждаги мавжуд алоқаларини фаоллаштириш ва уларни сайёҳлик билан боғлаш дастурларини ишлаб чиқиш зарур.

Маълумки, бугунги кунда Президентимиз томонидан 2000 йил тинчлик маданияти йили, XXI аср тинчлик асри, инсоният кириб келаётган учинчи минг йиллик эса тинчлик минг йиллиги бўлиши ҳақидаги ғоялар илгари сурилмоқда. Бизнинг йил боши (Наврўз) байрамимиз ёки ўзига хос тарзда ўтказилаётган Мустақиллик куни тантаналари дунёда тенгсиз.

Халқимиз тарихи, маънавий меросимизнинг илгари эътибор қилинмаган жиҳатларини туризм истеъмолига киритиш дастурини ишлаб чиқиш ҳам долзарб масалалардан биридир. Масалан, халқимизнинг улуғ тарихий-маданий обидаси бўлган Авесто асарига халқаро жамоатчилик эътиборини кучайтириш, зардуштийлик билан боғлиқ меъморий ёдгорликлар каталогини яратиш ва мазкур қадриятлар ҳақидаги тавсифномалар, буклетлар, кичик рисолалар нашр этиш, рангли йўриқномалар чиқазиш мақсадга мувофиқдир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, зардуштийлик асориатиқалари, одатлари, хусусан Хоразмдаги миноралар қадимги оташгоҳлар, ибодатхоналарнинг ворисий ифодаси эканлигидан жуда кўпчилик бехабардир. Шунингдек, қадимги антик давр тарихчилари Геродот, Ксенофонт, Плутарх томонидан ёзиб қолдирилган юртимиздаги мавжуд 700 дан кўпроқ қоровул тепалар ҳам муҳим маданият ёдгорликлари ҳисобланади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Хива, Шаҳрисабз атрофидаги минглаб, ҳозир қаровсиз ётган, инсон қўли билан махсус тикланган тепаликлар қадимда муҳим стратегик аҳамият касб этган, негаки улар ўртасида ғиштдан қурилган яширин ер ости йўллари бўлган. Улардан баъзиларини тиклаб, сайёҳлар учун ер ости саёҳатини ташкил этилса жуда экзотик жозиба касб этган бўларди.

Чет мамлакатларда ўтказиладиган ташвиқот ва тарғибот ишлари мамлакат хазинасига салмоқли тушумлар олиб келиши муқаррардир. Ана шу йўналишлар доирасида янги ташкил этилган маданият ва туризм институтида анъанавий асосларда мутахассислар тайёрлаш билан бирга, бугунги халқ менталитети, халқаро туризм эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун институтда халқаро туризм менежментлари, туризм маркетинги, сервис ва маданий хизмат ихтисосликлари билан бирга юксак малакали, халқ тарихи, маънавиятидан яхши хабардор бўлган социолог-йўриқчилар, зиёрат туризми ташкилотчилари, гид-таржимонлар, музейшунослар тайёрлашни кўзда тутган ҳолда янги қабулга тараддуд кўрилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон туризмини ривожлантириш муаммоларини ўрганишга бағишлаб Тошкент шаҳрида ўтказилган илмий-амалий анжуманда мазкур соҳанинг мамлакатимизда тез ривожланаётганлигини қайд этиш билан бирга туристларга маданий хизмат-сервис масаласи ҳали тўла ечилмаганлиги, соҳалараро келишувлар асосида битадиган масалаларда халқаро туризмнинг айрим талаблари бажарилмаётганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, умумий маданий сервис, экскурсоводларнинг билим ва умумий савияси хусусида ҳам муайян, ҳал этилиши зарур муаммолар борлиги рўйи-рост ўртага қўйилди. Айни вақтда, Покистон, Туркия, АҚШ, Миср-лик элчи ва бошқа дипломатлар, сайёҳлик соҳаси олимлари Ўзбекистондаги мавжуд маданий-тарихий обидалар, меъморий ёдгорликлар, зиёратгоҳлар, табиий-иқлимий имкониятлар, ўзбек халқи характери, умумий этнологик манбаларга хорижда катта қизиқиш борлигини ва бу борада таассуфки, ахборотлар етарли эмаслигини таъкидлашди.

Ўтказилган халқаро анжуманда Ўзбекистонда сайёҳликнинг бугунги ҳолатининг умумий таҳлили ва туризм соҳасида ҳали бажарилиши долзарб талай масалалар ўз ечимини кутаётганлиги ойдинлашди.

Мансур БЕКМУРОДОВ,
Тошкент маданият ва туризм институтининг проректори, социология фанлари доктори

Танишув

Қўшни Козоғистон Республикасининг Сариоғоч шаҳридаги экология-гуманитар академияси бир гуруҳ талабалари журналистика ва таржима назарияси кафедраси мудири, профессор Сайди Умиров бошчилигида «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририятига ташриф буюрдилар.

Учрашувда газета Бош муҳаррири Азим Суюн бўлғуси журналист талабаларга газета босиб ўтган йўл, бугунги ижодий фаолият, журналист маънавияти хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Учрашувда бўлғуси журналист талабалар таҳририят ходимларига самимий мулоқот учун миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Фаррух ҲАМИДУЛЛО

«Ҳайр, боғчажон»

Шу кунларда етти ёшга тўлган болажонлар учун боғчаларда ҳаяжонли дамлар. Пойтахтнинг Ҳамза туманидаги 529-болалар боғчаси кичкинтойлари «Ҳайр, боғчажон» тадбирини Ўзбекистон давлат гимнини куйлаш билан бошлашди. Уларнинг қувноқ куй-қўшиқлари, топқирлик баҳслари ота-оналарда катта таассурот қолдирди.

— Мактабга кузатаётган болаларимизнинг аксарияти иқтидорли, — дейди боғча мудираси Нодира Саидова. — Аминманки, эртага улар юртнинг эгаси, муносиб ворислари бўлиб етишадилар.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА

Аниқ мақсадга қаратилган фаолият

Ҳисобот-сайлов конференциялари

Яқин-яқингача Ғиждувон туман партия кенгаши фаолиятида бўш халқалар кўп эди. Сабаби, номдор туманда ҳамма ишлар ўз маромида борар, туман партия кенгашида эса мудроқлик ҳукм сурарди. Бу қусурдан холи бўлишнинг асосий чораси кадрларни тез-тез алмаштириш, деб «қаралди». Бу эса партия қуйи бўғинларидан тортиб, туман кенгашигача интизом ва ижрога анча путур етказди.

Яхшиямки, аксарият партия аъзолари бу ҳолга тоқат қилолмадилар. Ўзларига янги, ёш, изланувчан етакчини топиб олдилар. Бунга ҳам ҳали кўп бўлган эмас. Ўз сафларида 3278 нафар аъзони бирлаштирган туман кенгаши ҳисобот даврида юз берган лоқайдлик, кемтикликларга кейинги ярим йилда батамом барҳам берди. 63 та бошланғич партия ташкилоти ўз таъсир доирасини кенгайтиришга эришди. Ҳудудий партия ташкилотлари тузиш ва уларда халқ билан яқин алоқада бўлиш мақсад қилиб қўйилди. Ҳозир аҳоли истиқомат жойларида 22 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда котиблар фаолияти қайтадан кўриб чиқилди. «Зарафшон» деҳқон-фермерлар уюшмаси, А.Ғиждувоний, Ф. Хўжаев, Ибн Сино номли жамоа хўжаликлари, тиббиёт билим юрти, Чорсу, Охунбобоев номли маҳаллалар фуқаролар йиғини ҳудудий партия ташкилотлари бугун катта тажриба мактабидир.

Яна шуни таъкидлаш керакки, туман партия кенгаши ўз сафларини фаол ёшлар ҳисобига тўлдириб боряпти. Ёшлар тарбияси, уларни касбга йўналтириш, иш билан таъминлашда ҳокимият, жамоат ташкилотлари билан яқин ҳамкорлик қиляпти.

Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида туман партия кенгаши ўз дастурий ҳаракат режасига эга. Бунда, кўпроқ, партиямиздан сайланган 38 депутат фаолияти кўзга ташланяпти. Улар ўз сайловчилари ХДП аъзолари манфаатини кўзлаб, муҳим муаммоларни ечмоқдалар.

Туман партия ташкилоти иккинчи конференциясида қилинган маърузада ана шулар таъкидланиб, камчиликлар рўй-рост танқид қилинди.

Аммо, ҳали ҳамма бошланғич партия ташкилотлари фаолияти ҳам шу куннинг талабига жавоб бераяпти, деб бўлмайди. Хусусан, Ҳ. Олимжон номли, «Оқ олтин» жамоа хўжаликлари, «Агрокимёташмиот», «Пахта тозалаш заводи» ҳиссадорлик жамиятларида партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар ўз ҳолига ташлаб қўйилган, ислоҳотлар самараси кўзга яққол ташланмайди. Халқ ўртасида тарғибот ишлари олиб бориш, маърифат ва маънавият хоналари, ёшлар клублари ташкил этиш каби муҳим ишлар соясда қолиб кетган...

Ана шундай нуқсонларга барҳам бериш ҳақида конференцияда жиддий сўз борди. Сўзга чиққан нотиқлар бу борада ўзларининг амалий таклифларини айтдилар.

Конференцияда туман ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати А. Мўминов, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгашининг биринчи котиби Ж. Нуруллаевлар сўзга чиқдилар.

Унда туман партия кенгаши ва тафтиш комиссиясининг янги таркиби, ЎзХДП Бухоро вилоят кенгаши таркибига вакиллар ҳамда вилоят партия конференциясига делегатлар сайланди.

Ғиждувон туман партия кенгашининг биринчи ташкилий пленумида туман партия ташкилоти биринчи котиби этиб Баҳодир Истамов сайланди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

***

Шу кунларда: Марҳамат, Шофиркон, Бахмал, Мирзачўл, Навоий, Қизилтепа, Ургут, Жомбой, Шўрчи, Қизириқ, Бойсун, Бекобод, Қибрай, Паркент, Ёзёвон, Ўзбекистон, Фурқат, Учқўприк, Сўх, Қўшкўпир, Усмон Юсупов, Бўзатов туманлари ҳамда Ширин, Жиззах, Тахиатош шаҳар партия конференциялари ҳам бўлиб ўтди. Уларнинг ишида Андижон вилоят партия кенгашининг иккинчи котиби Н. Саидкамолов ва Марҳамат тумани ҳокими А. Расулов, Шофиркон тумани ҳокими Э.Ҳайдаров, Жиззах вилояти партия кенгаши биринчи котиби И.Умрзоқов ва Бахмал тумани ҳокими М. Тўраев, Мирзачўл тумани ҳокимининг биринчи муовини А.Қобилбеков, Навоий вилояти партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботиров ва Навоий тумани ҳокими Э. Бердиев, Қизилтепа тумани ҳокими Ш. Набиев, Самарқанд вилояти партия кенгаши биринчи котиби Р. Ҳамроқулов ва Ургут тумани ҳокими Х. Нуруллаев, Жомбой тумани ҳокимининг биринчи муовини И. Ниёзов, Сурхондарё вилояти партия кенгаши иккинчи котиби Ш.Юнусов ва Шўрчи тумани ҳокими Ш. Мирзаев, Қизириқ тумани ҳокими Й. Шойматов, Бойсун тумани ҳокими Т. Ҳамроев, Тошкент вилояти партия кенгаши биринчи котиби С. Агзамов ва Бекобод тумани ҳокими F.Бўрибоев, Қибрай тумани ҳокими М. Кўччиев, Тошкент вилояти партия кенгаши иккинчи котиби Р.Солиҳов ва Паркент тумани ҳокими Т.Холтоев, Фарғона вилояти партия кенгаши биринчи котиби А.Игамбердиев ва Ёзёвон тумани ҳокимининг биринчи муовини Р. Исоқов, Ўзбекистон тумани ҳокими В.Мухторов, Фурқат тумани ҳокимининг муовинлари С. Абдуллаев ва М. Йўлдошева, Сўх тумани ҳокимининг муовини С. Назиддинов, Фарғона вилояти партия кенгаши иккинчи котиби З. Абдуллаева ва Учқўприк тумани ҳокимининг биринчи муовини Қ. Холматов, Хоразм вилояти партия кенгаши иккинчи котиби Б. Рўзметов ва Қўшкўпир тумани ҳокимининг биринчи муовини Қ.Ортиқов, Қашқадарё вилояти партия кенгаши иккинчи котиби Р. Ражабов ва Усмон Юсупов тумани ҳокими Ё.Турсунов, Қорақалпоғистон Республикаси партия кенгаши иккинчи котиби Э. Хошанов ва Бўзатов тумани ҳокими А. Жуманов, Ширин шаҳари ҳокими И. Эрбеков, Жиззах вилояти партия кенгаши биринчи котиби И.Умрзоқов ва Жиззах шаҳри ҳокимининг биринчи муовини М. Юсупов, Қорақалпоғистон Республика партия кенгаши иккинчи котиби Э. Хошанов ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг муовини К. Дошумбаев, Тахиатош шаҳар ҳокими М. Жумабоев иштирок этдилар.

Мазкур конференцияларда сайланган партия кенгашларининг ташкилий пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия кенгашларининг биринчи котиблари этиб, тегишлича, А.Абдужабборов, А. Асадов, Х. Эсонов, Ҳ.Намозов, У. Шокиров, И. Давронов, О. Ҳошимов, С. Икромов, Б. Рўзимуродов, Ч. Олимов, М. Абдуллаев, З.Қодиров, Ж. Бекжонов, Қ. Эшматов, М.Мирзаматов, М.Тўйчиев, И.Низомов, А. Давронов, Д.Мажидов, Ф.Холиқов, О. Чўлиев, Р. Хожаметов, Р. Худайбердиев, Т.Аҳмедов, Д. Дурдиев сайландилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Муҳим ўзгаришлар палласи

Миробод туман партия конференцияси бўлиб ўтган жой — «Ўзэлектраппарат» очиқ турдаги акционерлик жамиятига қарашли зал соҳиблари бу ерда тантанали, байрамона муҳит бўлиши учун ҳамма ишни қилдилар. Зал ва унинг йўлақларида ёқимли мусиқа садолари янграб турди, завод рақс ансамбли иштирокчилари эса меҳмонлар олдида чиройли рақсларга тушдилар. Лекин туман кенгаши биринчи котиби Р. Кушчева конференцияни очиқ, деб эълон қилиши ҳамон делегатлардаги байрамона руҳ ишчан кайфиятга айланди.

Тумон кенгаши амалга оширган ишлар ҳақидаги ҳисобот конференция иштирокчиларини хотиржамликка ундамади. Чунки, ҳисоботда муваффақиятлар ҳам, камчиликлар ҳам атрофлича, жиддий таҳлил этилганди. Бинобарин, пойтахтимизнинг йирик партия ташкилотларидан бири бўлмиш Миробод туманида тилга олса арзигулик ишлар оз эмас. Хусусан, бу ерда партия сафларининг муттасил ўсаётгани, аҳоли ўртасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар самараси 3278 нафар аъзони бирлаштирган туман кенгаши ҳисобот даврида юз берган лоқайдлик, кемтикликларга кейинги ярим йилда батамом барҳам берди. 63 та бошланғич партия ташкилоти ўз таъсир доирасини кенгайтиришга эришди. Ҳудудий партия ташкилотлари тузиш ва уларда халқ билан яқин алоқада бўлиш мақсад қилиб қўйилди. Ҳозир аҳоли истиқомат жойларида 22 та ҳудудий партия ташкилоти фаолият кўрсатяпти. Бўлиб ўтган ҳисобот-сайловларда котиблар фаолияти қайтадан кўриб чиқилди. «Зарафшон» деҳқон-фермерлар уюшмаси, А.Ғиждувониясининг баландлиги, миллатлараро ва фуқаролараро тотувликни мустаҳкамлаш ҳамда одамларни ижтимоий муҳофазалашда партиянинг салмоқли ўрни борлиги қувонарлидир. Албатта, бунда туман ҳокимияти, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, «Маҳалла», «Нуроний», «Камолот» жамғармаларининг туман бўлимлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳам тиғиз ҳамкорликда иш олиб борилганини таъкидлаш жоиз.

Ёш авлодни тарбиялаш туман кенгашининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолаверади. Туман партия ташкилотида ёшлар бўлими ташкил этилиши — партия сафларини ёшлар ҳисобига тўлдириш, ёшларни маънавий камол топтиришга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин мисолидир. Бироқ, маърузада ҳам, сўзга чиққан нотиқларнинг сўзларида ҳам мазкур ишни янада такомиллаштириш учун ҳали имкониятлар борлиги таъкидланди. Шаҳар «Маънавият ва маърифат» марказининг раҳбари, профессор С.Салимов, 60-мактаб ўқитувчиси Л. Веневская, туман ҳокими ўринбосари Б. Дадабоев ва бошқалар шу ҳақда батафсил тўхталдилар.

Партия ички ишлари ва бошланғич партия ташкилотларининг фаоллиги ҳамда ташаббускорлигини ошириш борасида ҳам ўз вақт-соатини кутиб ётган имкониятлар оз эмас. Бунинг учун, деб таъкидлашди нотиқлар, ҳар бир ХДП аъзоси ўз талант ва қобилиятини намоён эта оладиган муҳит яратилиши зарур.

— Маълумки, бошланғич партия ташкилоти корхона раҳбарининг ишлаб чиқариш-молия фаолиятига аралаша олмайди, — деди «Қизил тонг» акционерлик жамияти бошқаруви раиси Х.Акбаров. — Лекин, бу ХДП аъзоларининг қандай ишлаётгани, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига риоя этишаётгани, умуман, жамоадаги муҳит билан қизиқмаслик керак, дегани эмас.

— ХДП аъзосининг масъулияти, деган тушунча ҳам бор, — дея юқоридаги мулоҳазани давом эттирди, «Ўзэлектраппарат» ОТАЖ бошқаруви раиси, Олий Мажлис депутати А. Алимбоев. — Ишлаб чиқариш ва ижтимоий муаммолар ечимида фаол қатнашиш партия аъзоси учун нафақат масъулият, балки, эҳтиёжга айланиши муҳим. Ана шунда биз Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларига сайлов бошланганда сайловчиларни ўз томонимизга оғдириб олишимиз, ўтган сайловда эришган муваффақиятларимизни мустаҳкамлашимиз мумкин.

Бу тушунарли. Бўлажак сайловларда партиямиз сайловчилар овози учун мураккаб шароитларда кураш олиб боради. Чунки, янги партия ва ҳаракатлар пайдо бўлаяпти. Бинобарин, ушбу баҳсга дадил ва ишонч билан киришмоқ керак.

Конференция делегатлари Халқ демократик партияси туман кенгашининг ҳисобот давридаги ишини қониқарли деб, топдилар ва унинг ваколатини тасдиқладилар. Тошкент шаҳар кенгаши таркибига ўз вакилларини ҳамда навбатдаги шаҳар партия конференциясига делегатлар сайладилар.

Конференцияда ЎзХДП Марказий Кенгашининг масъул ходими М. Ельшов қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, конференция ишида Тошкент шаҳар кенгашининг иккинчи котиби В. Медведев иштирок этди.

Ташкилий пленумда Миробод туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб яна Р. Кушчева сайланди.

Норбобо ШАКАРОВ,
Владимир ГЕРАСИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Партия ахборот

Ташкилий масала кўрилди

ЎзХДП Денов туман кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман кенгашининг биринчи котиби Жаббор Иброҳимов, аризасига биноан, ўз вазифасидан озод этилди. Абдуолим Бўриев Денов туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленум ишида ЎзХДП Сурхондарё вилоят кенгаши биринчи котиби Ҳ. Эрматов иштирок этди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Олим хотирасига бағишланди

Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат университетида Ўзбекистон миллий география илмига салмоқли ҳисса қўшган марҳум олим, профессор Ҳамидулла Ҳасановнинг 80 йиллик таваллудига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Профессор Ҳамидулла Ҳасанов Ўзбекистонда табиий фанлар ривожланишида, хусусан, география ва тарих фанларини кенг оммалаштиришда кўплаб илмий, назарий ва педагогик ишларни ҳаётга талбиқ этган олим ҳисобланади.

Айниқса, Ўзбекистон географияси ва география атамашунослигида миллийлик сақланиб қолинишида унинг хизмати катта. Шу билан бирга география тарихини ёзиш, география адабиётларини таржима қилиш соҳасида юздан ортиқ илмий ишлар, тўрт монография, ўн бешта китоб ёзган. Гегорафия фанининг янги илмий услубиёт назариясини ишлаб чиққан ва амалиётга киритган.

Маълумки, ўз вақтида глобуснинг ватани Германия, деган ақида ҳам мавжуд эди. Профессор Ҳамидулла Ҳасанов биринчи глобус Абу Райҳон Беруний томонидан Хоразмда яратилганлигини исботлаб берди. Қолаверса, ҳажмининг катталиги ва географик нуқтаи назардан мукаммал бўлган глобусни тайёрлашда ташаббусчи бўлди. Эндиликда мазкур глобус Тошкент Давлат университетида ноёб илмий қурол сифатида сақланмоқда.

Азиз ОБИДОВ

Қонун чизиғида

Текширишлар давом этади

Республикамизда алкоголли ва тамаки маҳсулотларини сотишни ҳамда мамлакатимизга этил спиртини олиб келишни тартибга солиш мақсадида Президент фармони ва ҳукуматимиз қарори мавжуд. Ушбу ҳужжатлар талаблари қандай бажарилаётгани юзасидан ўтказилган текширишлар давомида эса ҳали жойларда қонун талаблари бузилаётгани маълум бўлди.

Хусусан, жорий йилнинг март, апрель ойларининг ўзида қонунга зид равишда акциз маркаларисиз сотилаётган 4,3 миллион сўмлик спиртли ичимликлар, 11,3 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари ҳамда 3,2 миллион сўмлик 29,4 тонна этил спиртининг республика ҳудудига ноқонуний равишда олиб келинишига доир 690 та ҳолатлар аниқланиб, товар моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинган. Ушбу қонунбузилишларда айбдор бўлган шахсларга нисбатан 36 та жиноят ишлари қўзғатилиб, 783 киши маъмурий жавобгарликка тортилган ҳамда уларга 2,1 миллион сўмлик жарима солинган.

Жумладан, Янгийўл шаҳрида яшовчи фуқаро А. Шерматовнинг 43420 сўмлик 484 қути ҳар хил турдаги акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотлари билан ноқонуний равишда савдо қилаётганлиги, Самарқанд вилояти, Боғишамол тумани «Мармар» бозорида фуқаро Р. Шукуровнинг жами 51280 сўмлик акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотларини сотаётганлиги аниқланиб, уларга нисбатан жиноят ишлари қўзғатилган.

Худди шунга ўхшаш ҳолатлар юзасидан Тошкент шаҳрида 9 миллион сўмлик, Бухоро вилоятида 2,6 миллион, Қашқадарё вилоятида 1,9 миллион, Тошкент вилоятида 1,6 миллион, Хоразм вилоятида 1,6 миллион, Сурхондарё вилоятида 1,2 миллион, Самарқанд вилоятида 1,1 миллион ва Фарғона вилоятида 800 минг сўмлик акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотлар ва спиртли ичимликлар аниқланиб давлат фойдасига мусодара қилинган ва қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо чоралари кўрилган.

Бундан ташқари, Тожикистон Республикаси фуқаролари М.Маҳмудов, Т. Тўйчиев, М.Сафаровлар ноқонуний равишда республика ҳудудига жами бўлиб 1,2 миллион сўмлик спирт ва спиртли ичимликларни, Туркманистон Республикасидан фуқаролар И. Боботошев, Б.Сафаровлар 88 минг сўмлик, З. Шукуров 106 минг сўмлик, Б. Ҳамдамов 108 минг сўмлик, Р. Жуманов 117 минг сўмлик, А. Жўраев 97,2 минг сўмлик акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотларини олиб кирганлиги учун жавобгарликка тортилиб, моддий бойликлар давлат фойдасига мусодара қилинган.

Бундай текширишлар доимий равишда давом этади. Газетхонларга бу фактларни беришдан мақсад эса ноқонуний ҳаракат барибир қўлга тушишига одамларда ишонч уйғотиш. Зора, мақоламиз жиноятга чоғланган айрим шахсларни сергак торттирса.

Ўринбой МИРОЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси прокуратураси Умумий назорат бошқармаси прокурори
Нурбек ТОШНИЕЗ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Шаҳрисабзлик чевар Жамилахон Турсунова ўғли Сардор билан.

Абдурасул ПАРДАЕВ олган сурат

Янги аср бўсағасидаги «Шарқ»

Яқинда бир хат олдим. Унда шундай дейилганди:

«Отам Тожибой Ғозибоев фольклоршунослик билан шуғулланганлар. Халқ ичида юриб эртаклар, достонлар, мақол-маталлар йиққанлар. Ўз вақтида бир неча китоблар ҳам чиқарганлар. Лекин ҳаётларининг охирги даврларида йиққан асарларини чоп эттиролмай анча сарсон бўлдилар. Қўлёзмалари нашриётларда қолиб кетди. Президентимиз Хотира ва Қадрлаш кунини эълон қилганларидан сўнг, қўлёзмаларини олиб «Шарқ» нашриёт-матбаа концернига мурожаат қилдим. Буни қарангки, 1 ой — 10 кун ичида отамдан эсдалик — «Наманган эртаклари» китоби дунё юзини кўрди. Бежиримгина, кўркам, сифатли чоп этилган китобни қўлга олиб, севинганимдан кўзим ёшланиб кетди. Наманганга, ота юртимга чопдим. Отамнинг тенгдошлари, оқсоқоллар, қариндош-уруғларнинг боши осмонга етди. Сизларни хайрли, савобли меҳнатингизга ҳамиша зафарлар тилайман.

Раъно ҒОЗИБОЕВА, тиббиёт ходими».

Ёки Фарғона вилояти, Данғара туманида яшовчи Жаҳоной Сайфутдин қизи шундай ёзади: «Мен яқинда шоир Барот Бойқобиловнинг «Янги Хамса» китобини ўқиб хўп маза қилдим. Шундай улкан ишга жасорат қилган муаллифга ва уни сифатли, нафис этиб чоп этган «Шарқ» концерни жамоасига раҳмат».



Бундай миннатдорчиликларни тез-тез эшитиб турамиз. Чунки, биз бутун иш фаолиятимизни, мақсад-вазифамизни бир асосга қурганмиз, яъни, сифатли, арзон ва қисқа муддатларда китоб чиқариш. Айтишга осон, бу ишнинг ҳамиша уддасидан чиқиш эса анчайин мураккаб. Бутун жамоа бир тан — бир жон бўлиб ишлаганда, ҳар бир ходим ўз касбининг устаси бўлганда, иш эса ҳалоллик ва дид билан бажарилгандагина уни эплаш мумкин. Олдимизда турган турли-туман муаммолар, қийинчиликларга қарамай, ҳар ҳолда бу вазифаларни масъулият билан, белгиланган вақтда адо этиб, китобхонларнинг кўнглини олаяпмиз.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган ўн тўртинчи сессиясида шундай дедилар:

«Ўтаётган ҳар бир кун, тиним билмас вақт бизни XXI асрга тобора яқинлаштирмоқда. Шу муносабат билан «Биз келгуси асрга ўзимиз билан нималарни олиб ўтишимиз мумкин ва зарур? Ва нималардан воз кечишимиз даркор? Ўз ҳаётимизни қандай йўллар билан яхшиламоқчимиз? Янги минг йилликда қандай муаммоларнинг ечими бизнинг диққат-эътиборимиз марказида турмоғи лозим», деган саволларга жавоб излашга тўғри келади».

Чиндан ҳам ҳар бир киши ўз кўнглида бу саволларга жавоб излаши лозим. Худди шунингдек, ҳар бир корхона, ташкилот, жамоа хўжаликлари ҳам. Бутун келажак тараққиётимизни, ҳаёт йўлимизни, инсоний тамойилларимизни белгилаб берувчи бу саволлар кўп минг сонли «Шарқ» нашриёт-матбаа концернимиз учун долзарбдир.

Концерн янги асрга қандай ютуқлар билан кириб боради? Нималардан воз кечишимиз лозим? Қандай ишласак дунёга дадил бўйлашаётган юрт олдидаги уфқлар, юксак талаблар мезонига ҳамоҳанг яшай ва ишлай оламиз? Бу буюк мақсад корхонамиз ҳар бир ишчи-хизматчисини ўйлантиради десам ишонаверинг.

Улкан мақсадлар эса бугунги юмушлар, натижалар, муаммоларга холис, ишчанлик кайфияти ва шижоат билан ёндашишдан бошланади.

Ўтган йили барча бўлинмаларимизнинг куч-ғайрати билан бир миллиард 49 миллион сўмлик босма маҳсулотлар ишлаб чиқарилдики, бу 1997 йилга қараганда 228 миллион сўм кўп демакдир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, 183,4 миллион сўмлик газета маҳсулотлари, 346,3 миллион сўмлик дарсликлар-журналлар, 54,4 миллион сўмлик этикетка ва тасвирий буюмлар, 9,3 миллион сўмлик бланка, канцелария маҳсулотлари ҳамда 129, 9 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди.

Соф даромад барча турдаги солиқлар тўланганидан сўнг 1998 йил бўйича 211,5 миллион сўмни ташкил этди.

Бутун йил мобайнида концерн молиявий-иқтисодий аҳволининг барқарор бўлиши таъминланганлиги эвазига ўртача иш ҳақи 60 фоизга, 13-маош ҳажми ҳам 60 фоизга ўсди. Концерн бўйича ўртача маош 1997 йилдаги 7,2 минг сўм ўрнига, 1998 йилда 12.000 сўмга кўтарилди. Бу йил эса биз ўртача ойлик маошни 14.000 сўмга оширишни режалаштирмоқдамиз.

Концерн соғломлаштириш

1

муассасалари тизими, ходимларга кўрсатилаётган моддий ёрдам, мукофотларнинг ўз вақтида тўланиши, фахрийларнинг шарафланиши, ихтирочиларнинг тақдирланиши, болаларни соғломлаштириш маркази, дам олиш уйи, санаторий-профилакторийларнинг доимий равишда ишлаб турганлиги ҳам иш унумини оширишга хизмат қилмоқда.

Ўтган йил ёз ойларида болалар соғломлаштириш оромгоҳларида 937 бола, шу жумладан ходимларимизнинг 322 ўғил-қизи, «Янгиқўрғон»-даги дам олиш уйида эса 585 киши, «Навбаҳор» санаторий-профилакторийсида 516 матбаачи ва ноширлар дам олиб, соғлиқларини мустаҳкамлашди. 1999 йил «Аёллар йили» деб эълон қилинганлиги ҳамда республика ҳукумати томонидан аёлларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни тўла таъминлашга қаратилган махсус дастурнинг қабул қилинганлиги доимо диққат-марказимизда турибди. Цехларда аёллар меҳнатини енгиллаштириш, бола тарбияси даврида нафақа пулларини ўз вақтида бериш тўла ечилган. Яна байрамлар, маросимларда алоҳида мурувват кўрсатилади. Бу борадаги бошқа бир ишимиз тадбиркор аёлларга, умуман аёлларимизга мўлжалланган «Санам» журналини ташкил этганимиз бўлди. Гап нашрларимиз ҳақида кетганда «Муштум», «Афанди» нашрларининг муассиси бўлганлигимизни ҳам айтиб ўтиш жоиз.

Кейинги йилларда хайрли ишларимиздан бири «Шарқ зиёкори» китоб марказини ташкил этганлигимиздир. Марказ республиканинг барча вилоят ва туманларига матбаа маҳсулотларини тарқатиш билан шуғулланмоқда. Китоблар ва дарсликларни, дафтар ва бошқа босма маҳсулотларни тезкорлик билан ўқувчиларга етказиш мақсадида Самарқанд, Хива, Бухоро, Навоий, Жиззах, Андижон ва бошқа шаҳарларда китоб марказининг бўлинмалари ташкил этилди.

Ҳозирги замон матбаачилигининг муҳим жиҳатларидан бири буюртмачиларга муносабатда акс этади. Илгари буюртмачи ўз маҳсулотини чоп эттириш учун нашриёт ва босмахонанинг имкониятларидан келиб чиқарди. Ҳозир у кунлар ўтиб кетди. Энди босмахона буюртмачи талабларидан келиб чиқиб иш юритиши лозим. Ана шунда корхона эшиги буюртмачилардан аримайди, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланилади. Биз иш фаолиятимизни ҳамиша буюртмачи эҳтиёж ва истакларини ҳурматлаш асосига қурганмиз. Шу ўринда бир мулоҳаза: илгари катта буюртмалар, юксак матбаа ижроси талаб этиладиган маҳсулотлар чет элда чоп эттириларди. Бунинг учун қанча валюта четга чиқиб кетарди. Ваҳоланки, «Шарқ»да шундай асарларни бемалол чоп этиш, жаҳон стандартлари даражасида маҳсулот чиқариш имкониятлари бор. Натижада қанча-қанча валюта тежалади, маҳсулот бир неча баробар арзонга тушади. Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан 1 миллиард сўмлик турли ичимлик ёрлиқлари, тамаки саноати учун 1 миллиард дона қутилар тайёрлаш устида иш бошлаганимизни айтиш кифоя.

Бу катта миқдордаги харажат-

Ислоҳот ва масъулият

ларни талаб қилади. Шундан келиб чиқиб турли ташкилотлардаги маблағларимизни тезроқ қайтариб олишимиз лозим бўлди. Дастлабки этикеткаларимиз ҳеч бир хорижий мамлакатнинг босма маҳсулотидан қолишмаслиги билан мутахассисларни ўзига мафтун этмоқда. Бу ишда бизга чет эллик матбаачи ҳамкорларимиз ҳам ёрдам бермоқда. Албатта бу ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг эвазига ишлаб чиқариш ҳажми 47 фоиз ошиши мўлжалланган. Босмахона тараққиёти учун қўшимча машина-ускуналар сотиб олиш, цехларни қайта жиҳозлаш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш, тезкор технологияларни ишлаб чиқаришда қўллаш лозим бўлади. Жорий вазифаларни амалга ошириш учун компьютерда оригинал тайёрлаш, ундан турли босма қолиплар олиш, уларни офсет босма усули билан чоп этиш дастгоҳларини кўпайтиришимиз лозим. Шу мақсадларда Осиё тараққиёт банкининг кредити бўйича 4 рангли нашрларни тайёрлайдиган «Рапида 105-AF» офсет босма машинаси сотиб олиш мўлжалланмоқда. Янги авлод компьютер ва бошқа рақамли ҳамда электрон техникаларга эҳтиёж сезилмоқда. Ҳозир юзга яқин номда газета, 80 га яқин номда журнал чоп этаяпмиз. Бир неча миллион нусхада китоблар, ўқув қуролларини нашр этаяпмиз. Бу йилги улкан режаларни бажариш учун 10,1 миллион долларлик қоғоз ва матбаа хомашёлари сотиб олишимиз керак. Олдимиздаги вазифаларни уддалашда ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлигига таянамиз.

Айни пайтда концерн жамоасига боғлиқ бўлмаган бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Бу биринчи навбатда тайёр маҳсулотларни республикадан ташқари шаҳарларга олиб бориб сотиш билан боғлиқ муаммоларнинг ҳал этилмаганлигидадир. Сўнгги йилларда қоғоз ва матбаа материалларини чет элдан сотиб олиш (улар бизда йўқ) учун маблағларни конвертациялаш ҳам асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Маънавият билан боғлиқ маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга балки бу борада муайян имтиёзлар бериш лозимдир. Булар ҳам ҳукумат даражасида ўрганишни тақозо қиладиган масалалардир. Дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш устида мунтазам ишлашга тўғри келаяпти. Аммо кейинги пайтларда мутлақо ёпилмаётган дебиторлик қарзлари ҳам йўқ эмас. Бунга Хива шаҳар ҳокимлиги шаҳарнинг 2500 йиллигига атаб чоп этилган китоб қарзларини ўз вақтида тўламаётганини мисол қилиб айтиш мумкин. Биз бу китобни юбилей ҳақидаги қарордан сўнг, Вазирлар Маҳкамасининг кўрсатмаси билан ўта ноёб, нафис, қиммат қоғозга ўз ҳисобимиздан босганмиз. Юбилей пайтида Хива шаҳар ҳокими Матёқуб Мадаминовнинг ваъдаси билан бир қисмини олиб кетдилар. Қолгани турибди. «Ишим битди...» қабилидаги бу ҳолат концернга қимматга тушмоқда.

Матбаачилигимиз шундай ҳолатдаки, зарур хомашё ва материалларнинг аксарият қисми чет давлатлардан келтирилади. Минг афсуски, ўзимизда ҳозиргача бу хомашёлар ишлаб чиқарилаётгани йўқ. Бундай ҳолатда эса шартномавий ҳужжатлар ўша чет эллик шериклар талаблари даражасида тез ва оператив расмийлаштирилиши, турли идораларда тўхтаб қолмаслиги, ортиқча қоғозбозлик ва сансалорликларга йўл қўйилмаслиги керак. Лекин амалдаги тизимлар ҳали бу даражада

2

ишчан фаолиятга ўрганишмаган, натижада чет эллик ҳамкорлар олдида кўпинча тўловлар кечикиши сабабларини тушунтириш, гуноҳкорлардек изоҳ беришга тўғри келмоқда. Яна бир масала, бизда қоғоз ва бошқа хомашё етказиб берувчиларга олдиндан ҳақ тўланмайди, бундай шарт эса уларни қониқтирмайди, ноилож воситачи фирмалар билан шартнома тузишга тўғри келади. Уларнинг юборган минг тонналаб қоғозларини, консигнация шартларида, яъни маҳсулот етиб келгандан кейин 60 кун давомида ҳақини тўлаш шартлари асосида жўнатилишига қарамай, тўловлар вақтида валюта ажратилмаслиги туфайли 3-4 ойга чўзилиб кетаяпти, бу эса ҳамкорларимизни бездириб, сўзсиз, ишимизга салбий таъсир кўрсатаяпти. Консигнация шартларига асосан олинган товарнинг нархи олдиндан ҳақ тўлаб олинадигандан кўра 20-30 фоиз қимматдир. Шунинг учун ҳам қоғоз фабрикаларига олдиндан пул ўтказиб уни сотиб олсак арзонга тушарди, бу пулга 2000 тоннадан ортиқ қўшимча қоғоз сотиб олиб, 300 миллион сўмлик қўшимча маҳсулот чиқарардик.

Юқорида тез-тез хат олиб туришимиз ҳақида айтувдим. Афсуски, уларнинг ҳаммаси ҳам қувончли хатлар эмас. Ҳозир вилоятлардан, туманлардан, узоқ қишлоқ жойларидан аризалар, шикоятлар ҳам тушмоқдаки, унда аксарият газета-журналлар эгаларига ўз вақтида етказиб берилмаётгани, айрим жойларда 3-4 кун кечикиши ҳақида ачиниб ёзилади. Чиндан ҳам кундалик газетани ўқувчи 3-4 кундан кейин олса, бу нашрнинг оперативлиги, таъсирчанлиги, аҳамияти қаёқда қолади?! Ўз ўрнида шуни айтишим керакки, бу муаммо «Шарқ»қагина боғлиқ эмас. Қанчалик қийинчиликлар бўлмасин, биз газеталарни ўз вақтида чоп этиб, матбуот тарқатиш тизимига топширамиз. Улардан сўрасангиз, улар ҳам бир дунё муаммони ўртага ташлашади. Вилоятлардан сотилган газета-журналлар пули ўз вақтида қайтмайди, транспорт етишмайди, поездлар бекатлардан тез ўтиб кетади, газета-журналларни топширишга улгурилмайди ва ҳоказо. Булар тўғри, лекин бир ҳақиқатни унутмаслигимиз керак. Улар узоқ туманларга, оддий меҳнаткаш, аммо юксак дидли ўқувчиларга ўз вақтида етиб бормас экан, ислоҳотларимиздаги силжишларнинг тезлашиши қийин, ёшларни билимли, комил инсон этиб тарбиялашимиз, уларнинг фидойи, ватанпарвар бўлиб етишишлари йўлидаги зарур жараёнлар чўзилиб кетади.

Ёш авлод тарбияси, уларни чуқур билимли, юксак малакали, фидойи инсон этиб тарбиялаш йўлидаги орзу-ниятларимиз мустақиллик сиёсатининг энг устувор йўналишларидан биридир. Бу буюк ишнинг муҳим шартлари қаторига фарзандларимиз учун замонавий, юксак дид ва сифат билан тайёрланган, арзон нархда дарсликлар чиқариш вазифаси ҳам киради. Фарзандларимиз учун сув ва ҳаводек зарур дарсликларни ўз маблағини сарфлаб тез ва сифатли, энг муҳими арзон нархларда чоп этиш имконияти «Шарқ»да бор. Биз фарзандларимиз тарбияси масаласида ўз идоравий манфаатларимиздан устун туришимиз, бор куч ва имкониятларни бирлаштириб ёшларга барча илм булоқларини очиб беришимиз давр талаби. Қолаверса, дарсликлар пулли бўлгач, уларнинг сифати, нархи арзонлиги ҳам маълум даражада аҳамиятга эга. Бу борада ота-оналарнинг, яъни бевосита ўз чўнтагидан пул чиқариб дарсликлар сотиб олаётган харидорларнинг фикрини ҳам ўрганиш зарурдир. Таклифимиз — гуманитар йўналишдаги дарсликларни «Шарқ»да чоп этишни тажрибадан ўтказиб кўриш лозим. Махсус адабиётлар, аниқ фанлар дарсликлари эса ихтисослашган нашриётлар томонидан тайёрланса мақсадга мувофиқ бўларди. Фикримизнинг исботи сифатида биз томондан чоп этилган «Умумий биология» (10,11-синф), «Иқтисод алифбоси» (1,2-синф), «Ўзбекистон тарихи» (6,11-синф), «История Узбекистана» (6-синф) каби дарсликларни сифатли, арзон нархда чиқардик.

Баъзан бундай муаммолардан сўз очсанг, айримларнинг энсаси қотади. «Нима кераги бор, тинч юраверсангиз бўлмайдими, корхонангизда иш бир меъёрда кетиб турибди-ку», дейишади. Лекин, ҳаммамиз ўз тинчимизни кўзласак, бир хилдаги иш маромига кўникиб қолсак, эртанги ривожланиш, тараққиёт қандай бўлади? Президентимиз айтганларидек, XXI асрдаги мамлакатимиз равнақи, тараққиёти ҳақида айнан бугун ўйлашимиз керакмасми? Қаердаки халқ манфаати, унинг ижобий оқибати биринчи ўринга қўйилса, ўша ерда исталган ўсиш ва ривожланиш бўлади, буни унутмайлик, азизлар.

Бугунги кунда кўпгина қийинчиликлар ва молиявий муаммоларга қарамай концернимиз ўзининг ижобий анъаналаридан воз кечмайди.

Янги минг йилликка нафақат янги босма маҳсулотлар ишлаб чиқариш, корхонани замонавий техника билан бойитиш дастури, балки улкан ижтимоий мақсадлар режалаштирилган дастурни ишлаб чиққанмиз. Унга кўра, ҳар бир инсон барча бажарилаётган ишлар ўзининг манфаати ва келажагини мўлжаллаб амалга оширилаётганлигини доим ҳис этиб туриши керак. Ана шунда ишда доимий унум, юқори сифат, нуру барака бўлади.

Яқинда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан ишхонамизда мўъжазгина маросим ўтказдик. Ўтган буюк ва оддий инсонлар, корхонамиз шуҳрати учун жонини фидо этган қаҳрамонлар номи ҳурмат билан ёдга олинди, сафимизда соғ-саломат юрган фахрийларга ҳурмат-эъзоз кўрсатилди, совға-саломлар улашилди. Ана шу учрашувга кекса фахрийларимиздан бири набирасини бошлаб келибди. «Эзгу ният билан олиб келдим. Мен бир умр шу ерда ишладим. Ортимдан ўғлим келди, мана набирамни ҳам олиб келдим. «Шарқ» — муқаддас даргоҳ. Бу ерда ишлаган инсонлар ҳеч кам бўлмайди. Шунинг учун ҳам набирамни ишга олинг», деди. Мен бу орзудан бениҳоя тўлқинландим, учрашувимиз шоҳидлари ҳам беҳад шод бўлдилар.

Авлодлар давомийлиги, қадриятлар узвийлиги, анъаналар, асл тажрибалар ўлмаслиги шунда эмасми?!

Ислом ШОҒУЛОМОВ,
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бошқаруви раиси

3

Элатлар уруши тинчимаяпти

Нигерияда элатлараро қуролли тўқнашувлар туфайли ҳафта бошидан буён 200 дан зиёд одам ҳалок бўлди. Жанглар асосан, Нигер дарёси бўйидаги нефть конларига бой ҳудудда яшовчи иджо ва итсекири элатлари ўртасида рўй бермоқда. Ҳукумат бу минтақага қуролли қўшин юборишга қарор қилди.

Иджо ва итсекири элатлари ўртасидаги норасмий низо анча йиллар олдин келиб чиққан бўлиб, гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб туради. Можаронинг асосий сабабчиси катта даромад манбаи бўлган нефтдир. Бу икки элат вакиллари яшаётган ҳудудлардан катта ҳажмда «қора олтин» қазиб олинади. Лекин ҳар икки элат ўзларига нефтдан олинаётган даромаднинг жуда кам қисми тегаётганидан норози. Жангари рақобат уларни маҳаллий харитани бузишга ва бир-бирининг ерини қалбаки расмийлаштириб, фойдани кўпайтиришга ундамоқда. Бу эса, табиийки, жиддий қуролли тўқнашувларга олиб келаётир.

Номзод илгари сурилди

Миср халқ йиғини (парламент) Президент лавозимига мамлакатнинг ҳозирги раҳбари Ҳусний Муборак номзодини илгари сурди. Унинг навбатдаги муддатга қайта сайланиши учун 443 нафар депутат овоз берди. Агар Ҳусний Муборак яна ушбу лавозимни эгалласа, шу билан у тўртинчи муддатни ўташга киришади.

Миср қонунчилигига биноан, президентликка номзод бўлиш учун камида 152 нафар депутатнинг овозини олиш керак. Президентлик учун бўладиган умумхалқ референдумида қатнашиш учун эса 304 депутатнинг рўйхоҳиши зарур бўлади. Кузатувчиларнинг фикрича, айни пайтда Мисрда амалдаги президентдан бошқа ҳеч ким бунча овоз тўплай олмайди.

Етти мамлакатда саноат ишлаб чиқариши пасайди

МДҲ давлатларининг тўрттасида 1999 йил январь-апрель ойларида саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан кўпайди, еттитасида эса қисқарди. Россия Федерацияси давлат статистика комитети ва МДҲнинг давлатлараро статистика комитети тарқатган хабарда шундай дейилади. Белоруссияда ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоиз, Ўзбекистонда — 5,1, Озарбойжонда — 4,1 фоиз ўсди. Ҳамдўстлик мамлакатлари орасида саноат ишлаб чиқаришнинг энг кўп пасайиши Молдавияда (26,5 фоиз) қайд этилди. Кейинги ўринларда: Қозоғистон — 4,6, Грузия — 4,3, Қирғизистон 4,2, Украина — 2,7, Арманистон — 2,5 фоиз. Бу рўйхатнинг охирини Россия эгаллаб турибди, деб ёзади «Известия» газетаси. Бу мамлакатда саноат ишлаб чиқариши 0,5 фоиз пасайган.



Булутлардан-да баланд бўйлари

Жисмоний баркамоллик — миллат фахри

Бугун теннис бўйича аёллар ўртасида халқаро мусобақа бошланади

Шундай бўляпти. Барқарор ривожланишда собит турган мустақил юртимизда халқаро мусобақалар пешма-пеш ўтказилмоқдаки, ҳатто ишқибозлар ҳам мухлислик қилишда чарчаб қолмоқдалар-ов. Узоққа бормасдан шу йил Наврўз айёмлари палласида кураш бўйича «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа ташкил этилгани, кўп ўтмай дунё мамлакатларига жуда маъқулу манзур бўлиб қолган «Кураш» бўйича жаҳон чемпионати тантановор, юқори савияда ўтказилгани, куни кеча курашларнинг эркин, юнон-рум ва аёллар беллашуви бўйича Осиё чемпионати ниҳоясига етгани ... Бундай баҳслар ҳақида кўп ва хўп сўзлаш мумкин. Муҳими, хориждан келган мутахассислар, халқаро спорт федерацияларининг раҳбарлари, ҳатто журналистлар мамлакатимизда спорт ишларига давлат аҳамияти берилаётганини мамнуният билан эътироф этмоқдалар. Ўзбекистон довруғи бундай нуфузли мусобақалар теграсида жаҳонга ёйилмоқда. Қизиғи шундаки, малакали ва жиддий ҳакамлар назорати остида юртдошларимиз — моҳир спортчиларимиз сира бўш келмасдан мукофотли ўринларни эгалладилар. Балки баъзилар ўзимизда, яъни қадрдон майдонда баҳс бўлгани учун ҳам ютуқлар чўғи мўл бўлган деган фикрга боришар. Унда, айни пайтда спортнинг бошқа дастури хусусан бокс, теннис, каратэ баҳсларида турли юртларда ажойиб ютуқларни қўлга киритган ватандошларимизнинг ғалабалари фахр эмасми?!

Булар ҳаммаси яхши. Илойим кўз тегмасин. Зеро, ҳамиша олдинга босаверамиз, ишларимиз юришаверади, спортчиларимиз «олтин» олиб келаверадилар, деб ким кафолат бера олади. Бунинг учун унинг заминини, яъни спортимиз ривожланиш пойдеворини мустаҳкамлаш тақозо этилади. Худди ана шундай бир ҳолатда республика Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори алоҳида аҳамият касб этади. Моҳияти ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда муҳим ҳисобланган бу қарорнинг ижросини таъминлаш, ўйлаймизки, спортга дахлдор ҳар бир кишининг ўзига хос бурчига айланмоғи даркор. Қарорда кўрсатилганидек, унинг бандларини ҳаётга татбиқ этиш билан жисмоний тарбия ва спортимиз сифат ўзгаришларига эришиши керак. Халқимизга маъқул келаётган томони шундаки, бу қарорда эзгу ниятлар мужассамдир. Хусусан, халқимиз саломатлигини сақлаш, касалликларни камайтириш, ёшларни жисмоний тарбия, спорт билан шуғулланишига кўпроқ жалб этиш, жойларда оммавийликни таъминлаш, маҳоратли ёшлар сафини кенгайтириш, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

Мана бугун яна бир йирик халқаро мусобақа байроғи кўтарилади. Ўйлаймизки, юртимизда жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш билан маҳоратли спортчилар шаклланадиган ўзига хос чашма булоғининг кўзини очиш йўлида саъй-ҳаракат бошланди. Бугун пойтахтнинг «Динамо» теннис кошонасига «Тошкент оупен» деб аталувчи халқаро нуфузли мусобақада моҳир теннисчи қизларнинг ташриф буюргани эса баҳсларнинг муросасиз кечишидан нишонадир.

Мухлислар бундай баҳсни тўрт йил аввал «Челленжер» дастуридаги халқаро турнир деб баҳолашганди. Мукофот жамғармаси ҳам 25 минг доллар бўлган. Ўтган йиллар мобайнида эса бу баҳснинг нуфузи ҳам, мақоми ҳам ўзгарди. Теннисчи қизлар Тошкентни ёқтириб қолишди. Мукофот жамғармаси эса 112,5 минг доллар қилиб белгиланди. Исроиллик Анна Смашнова, Россиядан Татьяна Панова, олмон қизи Елена Вагнер, Испаниядан Кристина Торенс-Валеро, голландиялик Аманда Хопманс, Аргентинадан Марианна Диаз-Олива, Чехиядан Дениса Чладкова каби моҳир теннисчилар мукофотли ўринлар учун баҳс юритадилар. Ўйлаймизки, фахримиз бўлиб қолган Ирода Тўлаганова дугоналари Комила Дадахўжаева, Юлдуз Дўстова, Наталья Никитина, Гулнора Хўжаевалар билан маҳорат кўрсатиб, юзимизни ёруғ қилишга ҳаракат қиладилар. Қизиғи шундаки, бундан буён нафақат қизлар, балки йигитлар ўртасида ҳам юртимиз довруғини оламга ёядиган моҳир теннисчилар камол топгусидир. Бунинг учун бизда барча имкониятлар етарли. Агар жисмоний тарбия, спортни ривожлантиришга бағишланган қарор ҳаётимизга тўлиқ тадбиқ этилса, оммавийликнинг юзага келиши табиий. Оммавийлик бор ерда эса истеъдодлар албатта камол топаверади.

Ҳайдар НОСИРОВ

ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА 7

Телетомошабинлар диққатига!
Профилактика муносабати билан Душанба, 7 июнь куни «Ўзбекистон» 1 телеканали кўрсатувлари соат 6.30 дан 14.25 гача ЎзТВ-2 «Ёшлар» телеканали орқали намойиш этилади.

TV

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Халқаро турнирининг тантанали очилиши .
18.00 ЯНГИЛИКЛАР.
18.10 Болалар учун. «Умид учқунлари».
18.25 Элликқалъа олтин толаси — жаҳон бозорида.
18.40 «Истеъдод». Мусиқий дастур.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 , 21.55 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Окшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқболим — истиқболим».
21.30 «Аёл қалби наволари». Мусиқий дастур.
22.00 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Халқаро турнири кундалиги.
22.20 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 53-қисм.
23.10 «Маънавият» дастури.
00.10 «Ахборот».
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома»
8.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўлмас меros», «Ўбалиқ мўъжизакорлар».
9.10 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.40 «Куй ва тасвир».
10.00, 12.00, 14.00 Янгиликлар.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
10.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.20 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.45 Кундузги сеанс: «Ошиқ бўёқчи ҳақида эртак». Бадиий фильм.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси хор жамоасининг концерти.
12.30 «Оламга саёҳат».
12.50 «Ўзлигинг намоён кил!» Экранда — Фарғона вилояти.
13.30 «Созимда севги васфи». Мусиқий дастур.
14.10-14.25 «Кодекс».
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Қувноқ учрашув», «Мультомоша»)
18.40 «Аждодлар хотираси». Ибн Сино.
18.55 «Мусиқий лаҳза».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Эгиз қўшиқлар».
19.55, 20.25, 23.40-Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Жаҳон». Ҳалқаро шарҳ.
20.50 «Сурур». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Бурч». Видеофильм. 6-қисм.
22.00 «Душанбада кўришгунча».
22.20 «О, ёшлигим».
22.40 «Маслаҳат».
23.10 «Олам футболи».
23.30 «Шарқ эстрадаси».
23.45 Синема. «Қўпорувчилик».
01.15 «Хайрли тун!».

TRV

17.50 Кўрсатувлар дастури.
17.55 Пойтахт. Информацион курсатув.
18.00 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турниридан репортаж.
20.00 Сен ҳакингда ва сен учун.
20.15 Очиқ дарс.
20.30 «Телефакт».
20.40 «Бумеранг».
21.05 «Спорт-тайм».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Бурч ва масъулият».
22.00 «Чин қалбдан».
22.30 «Поитахт». Информациои кўрсотув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион курсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Интернет ҳудуди».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Этик кийган мушук». 3-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 Душанба куни Поэнер билан. «Никобдаги киши» дастури.
18.45 «Рус транзити». Сериал. 5-серия.
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Вақт хазинасидан».
22.00 «Вести».
22.30 Киносеанс: «Ширин орзулар». Бадиий фильм. 1-серия.
00.10 «Регистон ўзаро наволар». Фильм концерт.
00.30 «Ахборот» (рус тилида)
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

СЕШАНБА 8

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 53-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Янги алифбони ўрганамиз».
10.25 «Маънавият» дастури.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.25 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.40 «Мактублар — қабутарлар».
12.05 Кундузги сеанс: «Учувчининг парвози». Бадиий фильм.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10-14.30 «Мустақил ҳаёт бўсағасида».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири.
18.40 «Орзулар қанотида».
19.00 «Имконият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 21.35 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Аруз гулшани».
20.10 Окшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ойдинлар қўшиқнинг йўллари». Х. Шеров.
21.40 «Садоқат».
22.00 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири кундалиги.
22.20 Қ. Собиров. «Гул ва тош». Теленовелла.
23.00 «Ахборот».
23.30 «Ноёб тур». Бадиий фильм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 53-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50, 20.20, 23.15-Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Парламент».
20.40 «Мусиқий лаҳза».
20.45 «Марду-майдон».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бурч». Видеофильм. 7-қисм.
22.05 «Самарқанд окшоми». Мусиқий дастур.
22.25 «Ёнмаган ёзувлар».
22.45 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
23.00 «Мухаббатнома». Шеърий композиция.
23.20 Синема. «Адашган дунё».
01.10 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.40 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турниридан репортаж.
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.40 «Глинка-44».
20.50 Мусиқий дақиқалар. Ж. Хасанов.
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув
21.45 «Саодат калити».
22.05 Эстрада концерти.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Бинафша».
16.00 «Севги йўлида». Телесериал.
17.00 «Жонли сайёра».
17.15 «Куйини топинг».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ганс ва Гретель».1-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Робинзониада ёки менинг инглиз бобом». Мелодрама.
19.15 Марк Бернес. «Уч йил тушларимга киргандинг».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Вести».
22.00 «Дил изҳори».
22.05 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш мусобакалари. Россия — Исландия терма жамоалари.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ПАЙШАНБА 10

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа билан сирлашиб».
9.10 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 54-қисм.
10.00,12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Мулоқот.
Ўқув кўрсатувлари:
10.25 Абитуриент-99. Она тили.
10.50 Абитуриент-99. Математика.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
11.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
11.30 «Санъат ғунчалари».
12.05 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
12.25 «Ҳамиша ёрдамга тайёр».
12.45 Кундузги сеанс: «Шайтонваччa». Бадиий фильм.
14.10 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
14.30-14.50 «Инсон ва замин». Тележурнал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири.
18.40 «Озод юрт одамлари».
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Окшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Дил изҳори». Ҳужжатли видеофильм премьераси.
22.10 «Назорат».
22.30 Эстрада тароналари.
22.50 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири кундалиги
23.10 «Сомон йўли».
23.40 «Ахборот».
00.10 «Имконият». Бадиий фильм.
01.25-01.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси», Мультомоша).
18.35 «Дунёга йўл».
18.50 «Ёшлар куйлайди».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.35 «Ракурс».
19.55, 23.15 Эълонлар.
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30 «02» тулқинида.
20.45 «Каталог».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бурч». Видеофильм. 8-қисм.
22.05 «Эркин фикр».
22.25 «Танишинг: «Сетора» гурухи.
22.35 «Сафарлар иштиёқида». Сурхондарё.
22.55 «Рақслар қанотида». Ўзбекистон халқ артисти Маъмура Эргашева.
23.20 Синема. «Мохир киличбоз».
00.50 «Хит-коллекция».
01.10 «Хайрли тун!»

TRV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.40 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турниридан репортаж.
20.00 Болалар учун. «Ҳалфана».
20.15 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.40 «Глинка-44».
20.50 Мусиқий дақиқалар. Ж. Хасанов.
21.05 «Кўзгу». Тележурнал.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув
21.45 «Саодат калити».
22.05 Эстрада концерти.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Мюзик-холл».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «Спорт-клуб».
17.15 «Маски-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Ганс ва Гретель».1-серия.
18.00 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.05 «Робинзониада ёки менинг инглиз бобом». Мелодрама.
19.15 Марк Бернес. «Уч йил тушларимга киргандинг».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Дил изҳори».
21.30 «Вести».
22.00 «Дил изҳори».
22.05 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш мусобакалари. Россия — Исландия терма жамоалари.
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.45 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА 11

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Лирик тароналар.
8.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўйингиздан бахт аримасин».
9.15 «Ҳамкорлик ришталари».
9.30 «Ишқнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Меҳр қолур».
Ўқув кўрсатувлари:
10.25 Немис тили.
10.55 Абитуриент-99. Физика.
11.15 Абитуриент-99. Биология.
11.35 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
Болаларнинг ёзги таътил кунларида:
12.05 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.20 «Қўшиғим жон қўшиғим».
12.50 Кундузги сеанс: «Сехрли саргузашт». Бадиий фильм.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-14.50 «Маслак ва мақсад».
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири.
18.40 «Уйғоқ кунлар». Кинокўрсатув.
19.05 «Ислоҳот ва масъулият».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Окшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Шаҳар бедарвоза эмас».
21.30 «Кўшиқларим Сизга армуғон».
22.00 «Баркамол авлод орзуси».
22.25 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири кундалиги.
22.45 «Императорнинг маҳфий фармони». Бадиий фильм.
00.10 «Ахборот».
00.40-00.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Уйна, болажон, ўйна», Мультомоша)
18.35 Ҳужжатли кино бисотидан: «Зулмат салтанати». Гиёҳвандликка қарши курашга бағишланади.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида».
19.35 «Далил ва шарҳ».
19.50 «Мусиқий лаҳза».
19.55, 20.25, 23.15-Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Ҳуқуқ ва бурч».
20.45 «Спорт кундалиги» Теннис.
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Бурч». Видеофильм. 10-қисм.
22.05 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.15 «Азизим».
22.40 «Автосалтанат».
22.55 «Жаҳон эстрадаси».
23.20 Синема. «Гулнинг исми».
01.10 «Мунаввар тонг истаб».

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мультфильм.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Туризм ҳақида».
11.40 «Фаровонлик бекати».
12.00 «Кинонигоҳ».
13.30 «Ёшлар худуди». Дам олиш дастури.
14.00-14.10 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Фонтадром». Мультфильм.
18.40 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турниридан репортаж.
20.00 «Кулишни унутманг». Дам олиш дастури.
20.15 «Гиннес-шоу».
20.35 Кичик концерт.
20.45 «Ер курраси».
21.05 «Жума окшомида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Рақслар жилоси».
22.15 «Катталар учун эртак».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
23.45 «Тунчироқ».
00.15 Оҳанглар ва Эълонлар.
00.25 «Кинонигоҳ».
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

Россия жамоат телевидениеси.
6.30-8.00
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида)
15.40 «Таҳдид».
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
17.00 «СНН- шоу».
17.15 «Джентельмен-шоу».
17.45 «Мультчархпалак». Ака-ука Гримм эртаклари. «Олтиовлон дунё кезади». 1-серия.
18.00 «Уорлднет» янгиликлари.
18.10 Клип-антракт.
Россия жамоат телевидениеси.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.45 «Мўъжизалар майдони».
19.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
20.00 «Время».
20.35 «Кавингтон Кросс». Телесериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри: «Филадельфия эксперименти».
00.10 «Ахборот» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ШАНБА 12

TV

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.15 «Ҳидоят сари».
9.40 «Телевизион миниатюралар театри».
«Умид» намойиш этади:
10.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
10.30 «Кўзгу».
11.00 «Маҳорат».
11.20 «Соғлом авлод учун».
11.25 Ю. Ражабий номидаги мақомчилар танлови ғолибларининг концерти.
12.00 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.35 Кундузги сеанс: «Ганг дарёсининг қизи». Бадиий фильм.
13.45 «Ёзувчи ва замон».
14.05 «Ринг».
14.35-15.40 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Футбол бўйича Олимпиада ўйинларининг саралаш учрашуви. Ўзбекистон — Туркманистон. Танаффус пайтида — Мультфильм.
18.45 «Бахтли вокеа».
19.25, 21.00 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 Окшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.20 «Зиё».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Қишлоқ ҳаёти».
21.25 «Изҳор». Мусиқий дам олиш дастури.
22.05 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнири кундалиги.
22.25 «Оила». Тележурнал.
22.50 «Ахборот».
«Тунги ёғду»
Дам олиш дастури:
23.20 «Мусиқий саёҳат».
23.40 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм.1-серия.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 53-қисм.
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
11.05 «Ёшлик формуласи».
11.20 «Ракурс».
11.40 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
11.45 «Танишинг: «Жозиба» гурухи.
12.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.25 «Рақслар қанотида».
12.45 «Хуш келибсиз».
13.05 «Муносабат».
13.25 Мусиқий лаҳза.
13.30 «Рамаяна». Телесериал.
14.05 «Мусиқа теграсида».
14.25 «Чироғи ёниқ уй» .
14.50 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.35 Кўнгил кўнгилга пайванд.
16.05 Синема.
17.40 «Сенинг вақтинг».
18.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади («У ким, бу нима»)
18.20 Икки эшик ораси.
18.40 «Дилбарим».
18.55 «Эски альбомдан».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Матбуот».
19.50, 20.30, 23.25-Эълонлар.
19.55 «Рамаяна». Телесериал.
20.35 «Бизнес-академия».
20.55 «Мусиқий лаҳза».
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Сир».
21.55 «Ер ишки». Мусиқий дастур.
22.10 «Баҳс, мунозара, таҳлил».
22.30 «Кутилмаган меҳмон».
23.00 «Эски альбомдан».
23.05 «Кинотакдим».
23.30 Синема «Ёруғлик».
01.20 «Хайрли тун!».

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 «Ёрилтош». Мультфильм.
9.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.40 «Ал Фарғоний». А. Навоий номидаги катта опера ва балет театрининг спектакли.
11.50 Болажонлар экрани.
13.20 «Муаллиф».
13.45 «Бева Бланка». Телесериал.
14.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». Девид Копперфильд.
14.50 «Дўстлик» видеоканали: «Немис шарҳи», «Шафак».
15.35 «Кинонигоҳ».
17.15 «Спорт-тайм».
17.40 Дилором наволар.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Ёрилтош». Мультфильм.
18.10 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турниридан репортаж.
20.00 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал
20.45 «Мисли гавҳар».
21.05 «Хотира — қалб чироғи».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Тошкент окшоми». Телешоу.
22.20 Манзарали фильм.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Даллас». Телесериал.
23.30 «Тунги пойтахт». Информацион дам олиш дастури.
24.00 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 «Кинонигоҳ».
01.45 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.20 Кинематограф: «Лос- Анджелес сирлари». Бадиий фильм
11.30 «Жонли сайёра».
11.45-12.35 Биргаликда куйлаймиз».
16.00-17.20 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
17.20 Кўрсатувлар тартиби.
17.25 «Бинафша».
Россия жамоат телевидениеси.
17.45 «Олтин серия». Виталий Соломин ва Дмитрий Харатьян. «Кора квадрат» детектив фильмида.
20.00 «Время».
20.35 «КВН-99». Ёзги кубок.
22.40 «Дил изҳори».
22.50 Кинематограф: «Эйр, Америка!» Бадиий фильм.
00.35 «Ахборот» (рус тилида)
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЯКШАНБА 13

TV

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».

*

8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Ғаройибот».
9.30 «Бўстон». Тележурнал.
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Талабалик йилларим».

*

11.25 «Мус-ринг». Мусиқий дастур.
12.00 «Мозийдан бир мўъжиза».
12.15 «Шумтакалар». Мультсериал.
12.30 «Болалигим-пошшолигим».
12.55 «Шоҳроҳ клуби».
13.25 «Эл тинчлиги йўлида».
13.50 «Қувноқ стартлар». Телемусобақа».
14.30-15.40 «Келин-куёв». Телешоу.

*

16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнирининг финал учрашуви.
18.00 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 «Куйла, ёшлигим».
18.55 «Ўзлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20,05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Якшанба окшомида». Мусиқий дам олиш дастури.
21.50 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнирининг якунига доир.
22.10 «ТВ-1 намойиш этади». Телеанонс.
«Аср мўъжизаси».
Кинодастури.
22.25 Кино янгиликлари.
22.40 «Ўзбек кинаси ижодкорлари».
23.00 «Тошда ҳам дарахт ўсади». Бадиий фильм. 2-серия.
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Бизнес-академия».
10.10 «Мусиқий лаҳза».
10.20 «Инглиз тили Сиз учун».
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 54-қисм.
11.45 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.55 «Лаззат».
12.15 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
12.40 «Цирк, цирк, цирк».
13.00 «Синфдош».
13.30 «Мусиқий глобус».
13.50 «Маслаҳат».
14.20 «Рамаяна». Телесериал.
14.55 «Ёшлар куйлайди».
15.05 «Баҳс».
15.30 «Хит-коллекция».
15.50 Синема.
17.20 «Ўзбек мумтоз шеъриятидан».
17.25 «Қалбим ардоғи». Мусиқий дастур.
17.35 «Жараён».
17.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
18.00 Янги авлод» студияси намойиш этади («Жажжи гўзал»)
18.35 «Мутолаа».
18.50 «Тилсим».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30, 20.10, 23.30-Эълонлар.
19.35 «Рамаяна». Телесериал.
20.15 «Очун». Буюк ипак йўлларида.
20.35 «Дунё хафта ичида».
20.55 «Каталог».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Ойдин кечалар».
22.35 «Чироғи ёниқ уй».
23.00 «Қалб тароналари» Мусиқий дастур.
23.10 Спорт дастури
1. «Спорт хафтаномаси»,
2. «Миллионлар ўйини».
23.40 Синема «Қароқчилар». Комедия.
01.00 «Тонг юлдузи».

TRV

8.55 Кўрсатувлар дастури
9.00 «Пойтахт тонги».
9.30 «Соғлом бўлай десангиз...».
9.40 Болалар учун. «Ҳалфана».
9.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
10.40 «Камолат сари».
10.55 Болажонлар экрани.
12.30 «Жозиба».
12.50 «Бева Бланка». Телесериал.
13.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
14.00-15.40 Такрорий фильмлар экрани.
***
17.45 «Якшанбадан якшанбагача».
18.00 Теннис бўйича «Tashkent OPEN» Ҳалқаро турнирининг финал учрашуви ва тантанали ёпилиши.
21.00 «Бир аёл тарихи».
21.15 «Орзулар оғушида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.50 «Тасанно».
22.25 «Якшанбадан якшанбагача».
22.40 «Табриклаймиз, қутлаймиз».
23.00 «Даллас». Телесериал.
23.50 «Ибрат».
00.10 «Мўъжизасиз- мўъжизалар». Девид Копперфильд.
00.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

4v

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сехрли олами».
10.25 «Парле ву франса?»
10.50 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
11.00 Кинематограф: Майкл Дуглас. «Ўйин» фильмида.
13.10 «Фан-тайм» (Болалар учун инглиз тили)
13.20-12.05 «Дўстлик» видеоканали: «Рангинкамон», «Маврид».
16.30-18.00 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ.
Россия жамоат телевидениеси.
18.00 «Кумуш серия». Ален Делон «Кора лола» фильмида.
20.00 «Время».
20.30 «Тенгдошлар».
20.50 «Мюзик-холл».
21.10 «Бу ажиб дунё».
21.25 «Сиз кутган учрашув».
21.45 «Интернет-ҳудуди.
22.00 «Кинопрофи».
22.25 Лаки-Страйк намойиш этади: «Тутун». Бадиий фильм.
00.05 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Алимқул СУЛТОНОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Бахтиёр ҲАМИДОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Сиёсат — 133-20-36
Иқтисодиёт — 133-76-04
Маънавият — 133-07-20
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-12-56, 136-55-16
Ахборот — 133-76-04
Котибият — 133-21-43

Факс — 133-47-80, 133-38-55, 133-73-43, 133-06-83

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 222-70-12;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-12-56;
Урганчда — 226-51-35;
Фарғонада — 26-46-84;
Қаршида — 3-25-79;
Термизда — 3-79-98.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

Навбатчи муҳаррир *Нурбек ТОШНИЁЗОВ*, навбатчи *Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ*

Газета «Ўзбекистон овози»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи-дастурчи Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №000004 Газета офсет усулида, А—2 форматида, 23.819 нусхада босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
Г —0440

Босишга топшириш вақти – 21.00. Топширилди – 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатувчи депозитарийлар ва қимматли қоғозлар бозорида фаолият кўрсатувчи бошқа ташкилотлар диққатига!

Тошкент шаҳар ҳокимининг 1999 йил 1 февралдаги 54-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар қимматли қоғозлар депозитарийсини тузиш учун тендер ўтказилади. Қатнашишни истовчилар тендер комиссиясига ўз таклифларини шу йилнинг 15 июнигача қуйидаги манзилга тақдим этишлари лозим; Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 13-уй, 2-қават, 26 хона.

Тендер шартлари:

- техник таъминоти – сони, сифати, тури;
- программа воситалари ким томонидан ишлаб чиқилган, ривожлантириш имкониятлари;
- малакали кадрлар билан таъминланганлиги – умумий сони, квалификация аттестати (нусхаси тақдим этилади) бор кадрлар сони;
- молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоби, шунингдек охирги ҳисобот даврига ташкилотнинг баланси, молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисобот.

«АЛАН СЕРВИС» АЖ
барча турдаги
тракторлар
эҳтиёт қисмларини
**таклиф этади